O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 23 май сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 97 (2394)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ


## "УНИВЕРСИАДА – 2000" СПОРТ АНЖУМАНИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

*Азиз фарзандларим!*

*Барчангизни мамлакатимиз талаба-ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа — камолот, гўзаллик ва спорт байрами билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Бу универсиаданинг айнан "Соғлом авлод йили"да ўтаётгани теран маъно-мазмун касб этади.*

*Ватан, халқ шуҳратини дунёга тараннум этишда спортнинг ўрни беқиёсдир. Жаҳон миқёсидаги кўплаб нуфузли мусобақаларда ўзбек ёшлари эришаётган ғалабалар бу ҳақиқатни тасдиқлаб турибди.*

*Спорт нафақат жисмоний, балки маънавий камолотга етишишда ҳам муҳим омилдир. У иродани тоблайди, аниқ мақсад сари интилиш, қийинчиликларни бардош ва чидам билан енгишга ўргатади. Инсон қалбида ғалабага ишонч, ғурур ва ифтихор туйғуларини тарбиялайди.*

*Мен барча ўғил-қизларимизни, спортчи ёшларимизни халқимизнинг умид юлдузлари, эртанги кунимизнинг ишончи ва таянчи, деб биламан.*

*Соғлом, билимли ва фидойи фарзандлари бўлган халқ, албатта ўзининг буюк келажагини барпо этади.*

*Сиз, универсиада қатнашчиларига, янгидан-янги ютуқ ва зафарлар тилайман. Ишонаманки, эл-юрт равнақи йўлида қайси соҳада меҳнат қилишингиздан қатъи назар, спорт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлиб қолади.*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**




## ОРОЛБЎЙИ ПИЛЛАСИ

Қорақалпоғистонда пилла топшириш ўтган йилга нисбатан ярим ой олдин бошланди. Бу йил давлатга 200 тонна "кумуш тола" топширишни ният қилган Амударё тумани хўжаликлари бу ишни биринчилар қатори бошлади. Беруний, Элликқалъа ва Тўрткўл туманида ҳам пилла тарозига тушди.

650 тонналик хирмон уюшни кўзлаётган Оролбўйи пиллакорлари бу йил қурт боқиш муддатини қисқартириб, мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга эришди. Хитойдан илк бор саккиз минг қути қурт уруғи келтириб парвариш қилингани бунда ғоят қўл келди.

## ХАЛҚАРО МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

Фаннинг амалиётда қўлланилиши, илмий-тадқиқотлар самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор муҳим ишлари учун Самарқанд қишлоқ хўжалик институти Франция саноатни ривожлантириш уюшмасининг олтин медали билан тақдирланди.

— Институтимиз жамоасининг 1999 йилда илмий-ўқув ишлари, маънавият ва маърифат, кадрлар тайёрлаш борасида эришган ютуқлари жаҳон ҳамжамиятининг ҳам диққат-эътиборини ўзига тортди, — деди институт ректори, профессор Абдуқодир Эргашев. — Қувонарлиси шуки, ўтган йили барча соҳалардаги муваффақиятлари учун МДҲ давлатлари орасида Россиянинг Москва давлат университети, Ўзбекистоннинг эса бир йўла икки олий даргоҳи, жумладан,Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Бухоро Давлат университети ушбу халқаро мукофотга сазовор бўлди.

## СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ ҲАЁТГА ЧОРЛАР

Ҳадемай мактабларда сўнгги қўнғироқ чалинади. Минглаб йигит-қизлар қўлларига етуклик шаҳодатномаларини олиб, мустақил ҳаётга қадам қўядилар.

Хўш, уларни ижтимоий фаолиятга жалб қилишга тайёрмизми?

Олий ўқув юртларида пухта билим олаётган ёшлар — келажагимиз эгалари. Бироқ бунга ҳамманинг ҳам имконияти бўлавермайди. Ишлаб, ҳалол меҳнати билан тараққиётимизга муносиб ҳисса қўшиш истагидаги ёшлар ҳам оз эмас.

Ёшларимиз учун қулай иш ўринлари яратилаяпти. Бугунги кунда республикамизнинг турли ҳудудларида 33 мингдан зиёд иш ўринлари мавжуд. Ўрта мактабларни бу йили битирадиган ёшларни ҳисобга олиб, бу кўрсаткични янада ошириш мўлжалланмоқда.

Биринчи ярим йиллик якунига қадар 203969 иш ўрни яратиш режаси амалга оширилмоқда. Кўриб турибсизки, мустақил ҳаётга қадам қўяётган фарзандларимиз беэътибор қолмайдилар.

## ДЎСТ МАМЛАКАТ СОВҒАСИ

Бухоро давлат университетида араб тилини ўрганиш маркази очилди. Маросимда Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси доктор Мамдуд Шавқий араб тилига ихлос олимлар, тадқиқотчилар, толиби илмларга эзгулик эшикларини очишини эътироф этди.

– Марказ элчихона ташаббуси билан очилди. Барча адабиётлар услубий қўлланмалар, луғатлар, бадиий китоблар аудио ва видео ускуналар, барча жиҳозлар дўст Миср Араб Республикасининг совғасидир, – дейди университет ректори Комил Муқимов.

**«Халқ сўзи» ва «Туркистон-пресс» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**



## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 май куни Оқсарой қароргоҳида Германия Федератив Республикаси Бундестаги (парламенти) раиси Волфганг Тирзе раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Учрашувда давлатимиз раҳбари, В.Тирзени нафақат Германия парламенти раиси, балки мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон билан муносабатларини ривожлантиришга анча хизмати сингган етук сиёсий арбоби, деб билишини таъкидлади.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Германия ўртасида парламентлараро алоқалар, шунингдек, кенг кўламли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**ЎзА.**

**СУРАТЛАРДА:** қабул пайти.
**А. ТЎРАЕВ олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

22 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б.Бугров олиб борди.

Парламент депутатлари, Олий Мажлис Котибияти бўлимларининг раҳбарлари Тошкентда 25 май куни иш бошлайдиган иккинчи сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасидаги ишларнинг дастлабки натижаларини якунладилар. Кичик гуруҳ раҳбарлари Н.Исмоилов, М. Миролимов, И. Кочмарик сессия муҳокамасига ҳавола этиладиган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар тайёр эканлиги ҳақида ахборот бериб, лойиҳалар юзасидан тушаётган таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиш Олий Мажлис қўмиталари ва комиссияларида тугалланаётганлигини, ҳужжатларга энг охирги тузатиш ва қўшимчалар киритилаётганлигини таъкидлаб ўтдилар. Сессия ишига таалluқли барча материаллар жойлардаги депутатларга олдиндан юборилди.

Йиғилишда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, депутатлар ишчи гуруҳи ҳужжатлар устидаги ишлар, сессияга келувчи депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт, тиббий ва бошқа хил хизматлар кўрсатилишини ташкил этиш, ялпи мажлислар ўтадиган залда «Рада-Мажлис» овоз бериш электрон тизими пухта ишлашини таъминлаш билан боғлиқ барча масалаларни амалда ҳал этиб бўлди.

Ишчи гуруҳ раҳбари Олий Мажлиснинг янги таркиби сайланиб, барча ташкилий масалалар ҳал этилганидан кейин парламент иккинчи сессиясида биринчи бор қонун лойиҳалари кўриб чиқилиши анжуманга алоҳида аҳамият бахш этаётганлигига урғу берди. Бундай муҳим ҳужжатлар орасида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам бор. Унда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг Конституциявий кафолатлари, имтиёзли кредитлаш ҳамда ҳисобот беришнинг қўшимча турларини белгилашдаги чеклаш масалалари ўз аксини топган бўлиб, солиқ солиш тизими бир мунча соддалаштирилган. Сессия муҳокамасига, шунингдек, «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири ҳам киритилган бўлиб, бу иқтисодиётни янада эркинлаштириш ҳамда миллий қонун ҳужжатларимизни халқаро нормаларга ҳамоҳанг қилиш заруратi тақозосидир.

Янги таҳрирдаги «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг соғлом авлод йилида кўриб чиқилиши, муҳокама этилишида рамзий маъно бор. Унинг қабул қилиниши жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш соҳасидаги масалаларни янада самаралироқ ҳал этиш, спортнинг миллий ва оммавий турларини ривожлантириш, уларда фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш, аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлаш имконини беради.

Сессияда бошқа қонун лойиҳалари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан Олий Мажлиснинг ваколат доирасига берилган бошқа бир қанча масалалар ҳам кўриб чиқилади.

Депутатлар ишчи гуруҳи сессия кун тартиби лойиҳасини умуман маъқуллади, сессия котибиятининг мўлжалланаётган таркиби юзасидан бир тўхтамга келди ҳамда бу ҳужжатларни Олий Мажлис Кенгашининг навбатдаги йиғилишида кўриб чиқиш учун таклиф тариқасида киритадиган бўлди.

Сессияга тайёргарлик ишлари парламентнинг қўмиталари ва комиссияларида, сиёсий партиялар депутатларининг фракциялари ҳамда депутатлар блокларида давом этмоқда.




## СИНОВДА — ЁШЛИК ВА МАҲОРАТ

***Махсус мухбирларимиз О. РАЖАБОВ ва К. НАЖМИДДИНОВ Намангандан хабар қиладилар***

2000 йил 22-29 май. Айнан мана шу сана мамлакатимиз ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолишига аминмиз. Зеро, Президентимиз ташаббуси билан ўтказилаётган республика биринчи универсиадаси ўз кўлами, моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан кичик олимпиадага тенглаштирилаётир. Бунда толиби илмлар беллашади. Бунда Ватан ифтихори бўлган шижоатли фарзандлар — ёшлар баҳс бойлайдилар.

Кеча Намангандаги марказий «Навбаҳор» стадионида «Универсиада — 2000»нинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг универсиада қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев ўқиб эшиттирди. Вилоят ҳокими Т. Жабборов ёшлик, гўзаллик, маҳорат ва шижоат байрами билан барча йиғилганларни қизғин қутлади.

Шундан сўнг мамлакатимиз санъат усталари томонидан театрлаштирилган катта концерт дастури намойиш этилди.

Ёшлар ўртасида кучлилик, эпчиллик, чаққонлик кўригига айланадиган йирик спорт анжумани энг аввало «Соғлом авлод йили»нинг муҳим тадбири сифатида аҳамиятлидир. Шу боисдан ҳам унда асосан йигит-қизларнинг жисмоний ва ахлоқий етуклигини синаб кўриш, талабалар ўртасида спортнинг нуфузли турларини оммалаштириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва, ниҳоят, Бутунжаҳон «Универсиада — 2001» мусобақаларида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси терма жамоаларига номзодлар танлаш сингари вазифалар мақсад қилиб олинганлиги бежиз эмас! Эътиборлиси шундаки, республикамизнинг бой имкониятларга эга бўлган жисмоний тарбия ва спорт салоҳияти анжуманга ҳозирлик жараёнида яна бир карра ўсди, мустаҳкам илдиз отди.

Универсиада Низомига кўра ушбу мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар биттадан терма жамоа билан, Тошкент шаҳридан эса учта, жами 16 та жамоа талабалари ғолиблик учун кураш олиб борадилар. Беллашувлар дастуридан ўрин олган спортнинг 9 тури — футбол, баскетбол, волейбол, кураш (фарғонача ва халқаро қоидалар асосида), теннис, стол тенниси, енгил атлетика, шахмат бўйича маҳорат синовлари кечанинг ўзидаёқ бошланиб кетди.

## ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ КИТОБИ — АРАБ ТИЛИДА

Саудия Арабистони подшоҳлигининг "Дар ал-Салом" компаниялари гуруҳи араб тилида Президент Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон буюк келажак йўлида" номли китобини чоп этди. Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида мазкур китобнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Тадбирда хорижий мамлакатлар дипломатия ваколатхоналари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иқтисодиёт, сиёсат, таълим, маданият ва ижтимоий мавзудаги асарларига нафақат мамлакатимизда, балки хорижда ҳам қизиқиш кучли. Шу сабабли АҚШ, Германия, Буюк Британия, Россия, Италия каби мамлакатларда Юртбошимизнинг кўплаб асарлари чоп этилган. Хорижда нашр этилган асарлар қаторига Саудия Арабистонида яқинда босмадан чиққан "Ўзбекистон буюк келажак йўлида" китоби ҳам қўшилди.

"Дар ал-Салом"ноширлик борасида араб дунёсида катта обрўга эга. "Ўзбекистон буюк келажак йўлида" Ислом Каримовнинг илгари чоп этилган китобларидан саралаб олинган. Унда Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда танлаган ўзига хос йўли, сиёсати, иқтисодиёти, шунингдек, диний ва миллий қадриятлари ҳақида сўз боради.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон-Саудия Арабистони ҳукуматлараро савдо-иқтисодий комиссияси ҳамраиси М.Усмонов, Саудия Арабистонининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Абу Бакр Аббос Рафиа ва "Дар ал-Салом" компаниялар гуруҳининг халқаро инвестициялар бўйича раиси Муҳаммад Абдулкарим Райҳон мазкур китоб икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг янада кенгайишига хизмат қилишини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, китобнинг араб тилида нашр этилиши араб дунёсида Ўзбекистонга, унинг раҳбарига қизиқиш тобора ортиб бораётганидан, мамлакатимизни ўрганишга интилиш кучаяётганидан далолатдир.

**ЎзА**

## ПАРЛАМЕНТДА УЧРАШУВ

**Германия Федератив Республикаси Бундестаги (парламенти) раиси Вольфганг Тирзе раҳбарлигидаги делегациянинг мамлакатимизга ташрифи бошланди. Меҳмонлар 22 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов билан учрашди.**

Ўзбекистон ва Германия парламентлари ўртасида яхши ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган, мазкур ташриф ҳам ана шу ҳамкорлик доирасида амалга оширилмоқда.

Учрашувда Э.Халилов Олий Мажлиснинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида тутган ўрни, парламентимиз ҳузуридаги қўмита ва комиссиялар фаолияти, Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва қонун устуворлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Вольфганг Тирзе икки мамлакат ўртасида парламентлараро алоқалар тобора ривожланиб бораётганидан мамнуният билдириб, Ўзбекистон Марказий Осиёда жуғрофий жойлашуви, иқтисодий салоҳияти ҳамда сиёсий нуфузи билан алоҳида ўрин тутишини, шу боис Германия мамлакатимиз билан алоқаларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Германия парламенти делегацияси шу куни Ташқи ишлар вазирлигида ҳам музокаралар ўтказди.

**ЎзА**

## КОМИССИЯ ЙИҒИЛИШИ

Шу йилнинг 20 апрел куни Қамаши туманида ер силкиниши юз берган эди. Мутахассисларнинг фикрича, зилзила маркази Қамаши шаҳри яқинидаги Ёртепа қишлоғи бўлиб, бу ерда силкиниш кучи 7 балл, туман маркази - Қамаши шаҳрида эса 6,5 балл бўлган.

Зилзила оқибатларини тугатиш туман штабининг раҳбари Х.Лафасовнинг маълум қилишича, ер силкинишидан айрим аҳоли турар жойлари, маъмурий, маданий-маиший, ижтимоий бинолар, жумладан, халқ таълими ва тиббий муассасалар турли даражада зарар кўрган. 4 киши жароҳатланган.

Айни вақтда Қамашида зилзила оқибатларини бартараф этиш бўйича ишлар жадал давом эттирилмоқда. Зилзиладан жабр кўрганларга махсус ёрдам фонди ташкил этилиб, унинг ҳисобига вилоят ҳокимлиги ва ҳомий ташкилотлар қарийб 21 миллион сўм пул ўтказган. "Ўзагросуғурта" 4 миллион 673 минг сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатган.

Қамаши тумани ҳокимлигида зилзила оқибатларини тугатиш бўйича тузилган республика ҳукумат комиссиясининг 21 май куни бўлиб ўтган йиғилишида ана шу ҳақда гап борди. Уни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси Б.Ҳамидов бошқарди. Йиғилишда зилзила оқибатларини тугатиш бўйича амалга оширилаётган ишларни янада жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди ҳамда тегишли вазирлик ва ташкилотлар раҳбарларига аниқ топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

**А.Тайпатов,**
**ЎзА мухбири.**

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ ЙИҒИЛИШИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иккинчи сессиясининг йиғилиши 2000 йил 25 май куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 24 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партиялар депутатлар фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган Олий Мажлис депутатлари диққатига

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси 23 май куни соат 17.00 да ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида йиғилади. Худди шу вақтда Олий Мажлисда "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлади. 24 май куни соат 12.00 да Олий Мажлисда Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ҳамда сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши ўтказилади, соат 13.00 да – "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг, соат 14.30 да эса – ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтади.

## ХАТОЛАРДАН ХУЛОСА ЧИҚАРИШ ЗАРУР

Таъкидлаш лозимки, ўтган йилги ғалла ўрим-йиғимида кўпгина ташкилотлар мавсумга юз фоиз тайёргарлик кўрилди, деб ҳисобот берган бўлсаларда, амалда кутилган натижага эришилмади. Пировардида мавжуд ғаллазорлардаги ҳосилни белгиланган вақтда ўриб-йиғиб олиш, унинг ўрнига такрорий экинлар экиш ишлари кечиктириб юборилди. Замонавий "Кейс" комбайнларини бошқарадиган операторлар малакасининг пастлиги, комбайнлар мосламаларининг жипслигини таъминлашга эътиборсизлик оқибатида етилган бошоқларнинг бир қисми ерга тўкилишига сабаб бўлди. Тахминларга қараганда, биргина ана шу лоқайдлик туфайли қарийб 100 минг тонна атрофида дон исроф бўлган. Айрим жойларда ўрим-йиғимдан сўнг сомонларни ёқиб юборишга йўл қўйилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашларича, бундай ҳолатда ернинг беш сантиметригача бўлган унумдор қисми яроқсизга айланиб, такрорий экинлар ҳосили чўғини пасайтириб юборди.

Шу билан бирга, ўтган йили республикамиз бўйича, қарийб уч гектарлик майдонда ёнғин чиқишига йўл қўйилди. Шундай экан, тегишли ташкилотлар вакиллари, хўжалик раҳбарлари, фермерлар бундан хулоса чиқариб олишлари, мавсум давомида ёнғин

# ҲАР БИР ДАҚИҚА ҒАНИМАТ

**Бугун деҳқончиликнинг асосий йўналишлари — ғаллачилик ва пахтачилик соҳаларида долзарб палла бошланди. Ғаллачиликда ўрим-йиғим мавсумига тайёргарликни якунлаш зарур бўлса, пахтачиликда эса эндигина шоналаётган ғўза қатор ораларига агротехник ишловни ўз вақтида ўтказиш талаб этилади. Хуллас, ҳозирги кунда ҳар дақиқани ҳам ғанимат деб билиш керак.**

**20 май куни "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат-кооператив қўмитасида бўлиб ўтган кенгаш ана шу масалаларга бағишланди. Уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарди.**

**Кенгашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, тегишли вазирлик, қўмита, корпорация, уюшма, банк вакиллари ва қишлоқ хўжалиги техникасига хизмат кўрсатувчи корхоналар раҳбарлари иштирок этди.**

хавфсизлигига эътибор қаратишлари жуда муҳим. Бу масалада, айниқса, оилавий пудратчиларнинг жавобгарлигини ошириш, ўт ўчириш мосламаларини барвақт тахт қилиб қўйиш тақозо этилади. Шунингдек, бугунги кунда ҳар бир раҳбарнинг ғаллазорларни ўримга тайёрлаш олдидан унинг ён-атрофларини бегона ўтлардан тозалаш, қабул пунктларига олиб борадиган йўлларни тартибга солиш, турли хил талон-тарожликларнинг олдини олиш ва техника воситалари тайёргарлигини таъминлаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишига эришмоқ даркор.

Хўжалик раҳбарларидан эса ўримни ғалланинг навига, экилган кунига қараб табақалаштириш, далалар махсус комиссия далолатномаси асосида қабул қилингандан сўнггина уларга комбайнларни тушириш талаб қилинади.

Кенгаш қатнашчилари кун тартибига қўйилган ана шу масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, ўтган мавсумдаги хатоларни такрорламаслик ва уларнинг олдини олиш бўйича аниқ кўрсатмалар берилди.

### МАВСУМГА ТЕХНИКА ТАЙЁРГАРЛИГИ ҚАНДАЙ?

Мутахассисларнинг фикрига қараганда, республикамизда мавжуд 1 миллион 50 гектар суғориладиган майдондаги ғалла ўтган йилга нисбатан 12-15 кун илгари етилган. Шунинг учун мавсумни 20-25, нари борса 30 кун ичида тўлиқ якунлаш имконияти мавжуд. Аммо шуни айтиш лозимки, бу йил айрим вилоятларда сув танқислиги яққол сезилди. Шу боис кўпгина ғалла майдонларини, бошқа экинлар ҳисобидан бўлса-да, ўрим-йиғим олдидан сўнгги маротаба сувга тўйинтириб олиш муҳим. Акс ҳолда не машаққатлар эвазига етиштирилган ғалла донининг пуч бўлиб қолиши эҳтимолдан холи эмас.

Йиғилишда иштирок этган "Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш" давлат-кооператив қўмитаси раиси Н.Юсуповнинг таъкидлашича, бу йилги мавсумда ҳар хил русумдаги 7200 та комбайн иштирок этиши кўзда тутилган. Аниқланган камчиликларга қараб, уларга 662 миллион сўмлик, хусусан, 20 минг дона тасма, 404 дона шина ва бошқа турдаги эҳтиёт қисмлар етказиб берилди. Шундан 492 миллион сўмлиги "Кейс" комбайнларига тегишлидир. Шунингдек, 602 та кўчма устахона дала бошида хизмат кўрсатиши билан бир қаторда МТП қошидаги устахоналарнинг иш режими ҳам икки сменада ташкил этилади. Мавсум давомида қўшимча янги сотиб олинадиган 200 дона "Кейс" комбайни ҳам далага киритилади. Уларни бошқарадиган операторларни қайта ўқитиш, аттестациядан ўтказиш тўлиқ якунланган.

Бироқ айрим вилоятларда етарли миқдордаги эҳтиёт қисмлар етказиб берилаётганига қарамай, ўрим-йиғим мавсумига тайёргарлик суст бормоқда.

Масалан, мавсумга саноқли кунлар қолганига қарамасдан Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида мавжуд техникаларни таъмирлаш ишлари тўлалигича якунланганi йўқ. Айниқса, Қўнғирот, Тахтакўпир, Мирзачўл, Чироқчи каби бир қатор туманларда жиддий камчиликлар ҳалигача бартараф этилмаганлигини нима билан оқлаш мумкин?

Кенгаш давомида турли минтақалардан келган вакилларнинг ана шу масала юзасидан ҳисоботлари тингланиб, атрофлича муҳокама қилинди. Бу борада мутахассислар ўзларининг фикрларини билдиришди.Улар, шунингдек, ғўза парвариши масаласига ҳам тўхталиб, яганалаш, қатор ораларига ишлов бериш, ўғитлаш ва суғориш ишларига эътибор қаратиш, бу тадбирларни кечиктирмасдан амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солиш, ишчи кучларини кўпроқ жалб этиш зарурлигини таъкидладилар. Кенгашда ушбу масалалар бўйича ҳам аниқ тавсиялар берилди.

**Б.ОСТОНАҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

# ТИНЧЛИК ПОЙГАСИ ЎЗБЕКИСТОНДАН ЎТДИ



"Буюк Ипак йўли" қадимдан Осиё ва Европани боғловчи кўприк вазифасини бажариб келган. У орқали қанча-дан-қанча мамлакатлар ва халқлар турли соҳалар бўйича ўзаро алоқа қилгани тарихдан маълум. "Дунё бўйлаб 80 кун" шиори остида давом этаётган халқаро автораллининг шу йўл бўйлаб, жумладан, Ўзбекистон орқали ўтиши ана шу фикрнинг яна бир тасдиғидир.

"Дунё бўйлаб 80 кун" илк бор ўтказилмоқда. АҚШ, Буюк Британия, Япония, Италия, Германия, Австралия каби ўттизга яқин мамлакатдан пойгачилар иштирок этаётган бу халқаро автопойгада поёнига етиб бораётган асримизнинг бошларида ишлаб чиқарилган, ҳозир музейларда ва автомобил коллекционерларидагина қолган ноёб машиналар иштирок этмоқда.

Ралли 1 май куни Лондоннинг "Tower Bridge" кўпригида бошланган. Иштирокчилар Франция, Италия, Греция, Грузия, Озарбойжон ҳамда Туркманистондан ўтиб, 19 май куни Бухоронинг Олот тумани орқали Ўзбекистонга кириб келди.

Самарқандда ўтказилган матбуот анжуманида ралли ташкилотчилари "Classic Rally Association" компанияси директори Филипп Янг ҳамда "Exodus Travel" компанияси бошқарувчиси Сюзи Грант, Ўзбекистон аҳолиси пойгачиларни қабул қилишда гўзал меҳмондўстлик намуналарини намоён этганини алоҳида таъкидлади. Ралли иштирокчилари учун яратиб берилган шарт-шароит, машиналарга кўрсатилган техник ёрдам аъло даражада бўлганини айтиб, бунинг учун мамлакатимиз раҳбариятига самимий миннатдорлик билдирди.



"Дунё бўйлаб 80 кун" иштирокчилари 22 май куни мамлакатимиз ҳудудини тарк этиб, Хитойга йўл олди. У ердан денгиз йўли орқали Америка қитъасига ўтилади. Пойгачилар 18 июл куни Буюк Британия пойтахтида бўлиши керак.

**СУРАТЛАРДА:** автопойгадан лавҳалар.

**А. РИСҚИЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар.**

---

**Нурли из**

**Ўкчи фуқаролар йиғини ўрамидаги Туманботир қишлоғида, замонавий лойиҳа асосида қурилиб, ишга туширилган икки қаватли 58-таянч мактабни бу ердагилар шундай деб аташади. Бунинг ўзига хос тарихи бор, албатта.**

**... 1994 йилнинг ёзи эди. Туманботирдаги мактаб директори Насриддин Баҳриддинов кўярда-қўймай биз, туман журналистларини мактабга олиб борди. 60-йилларнинг бошларида ҳашар йўли билан қурилган бир қаватли синчли бино салгина шабадага ҳам дош беролмайдиган ҳолатда эди.**

# «ХАЛҚ СЎЗИ» ҚУРГАН МАКТАБ

— Мактаб биноси тугаб қолибди-ку, домла, — дедик.

— Аҳвол шундай, — деди Н.Баҳриддинов ички бир ташвиш билан. — Бу аҳволни ўз кўзларинг билан кўриб, газетага ёзарсизлар, деган мақсадда таклиф этдим.

— Ҳаракат қиламиз. Аммо, билиб қўйинг, унда Сизга жуда қийин бўлади, — дедик, ярим ҳазил, ярим чин, — сизни «койишлари», ҳатто ишдан олиб ташлашлари ҳам мумкин. Чидайсизми?

— Нима бўлса бўлар, — деди Н.Баҳриддинов қатъият билан. — Болаларни босиб қолмасайди, деб юрак ҳовучлаб юрибман.

Хуллас, мактаб аҳволи ҳақида тез орада «Халқ сўзи» газетасида «Мактаб аталмиш чолдевор» сарлавҳали, суратли танқидий мақола чиқди. «Башоратимиз» ҳам тўғри чиқди — туманнинг ўша пайтдаги ҳокими мактаб директорини ўз ҳузурига чақириб, туманни бутун республикага шарманда қилибсиз-ку... — деб, унга бор ғазабини тўкиб солди. Ёзган мухбирни топиб берасан, деб дағдаға қилди. Насриддинни мактаб директорлигидан ҳам олиб ташлади. Мактаб қурилиши масаласи эса кун тартибига киритилмай қолаверди...

Аммо газетанинг сўзи сўз экан, туман ҳокимлигида ўзгаришлар рўй берди, туманботирликларнинг ҳам орзулари ушаладиган бўлди. Туманнинг янги раҳбари Валижон Мухторов фаолиятининг дастлабки кунлариданоқ Туманботирда янги мактаб қурилишига жиддий эътибор кўрсатди. Насриддин Баҳриддинов ҳам мактаб директорлигига тикланди. Кўп ўтмай мактаб биноси қурилиши учун қулай жойдан ер участкаси ажратиб берилди. Мактабнинг замонавий лойиҳаси тайёрланиб, қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

— Туманимизнинг ҳозирги ҳокими мактабга, ёшлар таълим-тарбиясига катта эътибор берадиган ажойиб инсон, — дейди Насриддин хурсанд бўлиб. — Асли касби қурувчи бўлганлигидан мактаб қурилишига ҳам бош-қош бўлдилар. Шу туфайли иш тўхтовсиз олиб борилди. Натижада 320 ўринли мактабимиз жуда қисқа муддатда (бир йил ичида) қуриб, фойдаланишга топширилди.

Туманнинг чекка бир қишлоғида пишган ғиштдан қад ростлаган бу тўққиз йиллик мактабдаги қулай шарт-шароитларга, ҳатто шаҳарликларнинг ҳам ҳаваслари келиши турган гап. Чунки барча синфхоналари кенг ва ёруғ.

Кутубхона, қишки спорт зали, ошхона, мажлисгоҳ, стадион, чўмилиш ҳавзаси, қарийб бир гектар боғ мактаб ўқувчилари ихтиёрида. Уларга ўз касбининг фидойилари бўлган 28 ўқитувчи шу кун талаблари асосида таълим-тарбия бермоқда. Барча ўқув жиҳозлари — стол-стуллар, китоб жовонлари бир хил: яп-янги.

Маорифимизнинг чинакам жонкуярларидан бўлган Н.Баҳриддинов мактаб қурилишига раҳбарлик қилган, бевосита жонбозлик кўрсатган, моддий мадад берган ҳимматли кишиларнинг номларини ҳурмат-эҳтиром билан тилга олади. Мана улар: вилоят қурилиш трестидан Қурбонали Абдураҳмонов, 95-хўжаликлараро кўчма жамланма бошлиғи Илҳомжон Марозиқов, ишбоши Саъдулла Убайдуллаев, тадбиркорлардан Иброҳимжон Мўйдинов, Тўланбой Аҳмедов, боғбон-фермер Абдунаби Абдулҳаев, ўқитувчи Аъзамжон Тошхўжаев...

Директорнинг сўзларини тинглар эканмиз, беихтиёр шундай деймиз:

— Ҳимматингизга балли, асло кам бўлмасинлар!

**Адҳам МИРСАИДОВ,**
**Мухтор СУЛАЙМОНОВ,**
**Ўзбекистон тумани.**

---

# ИЛМИЙ МАЪРУЗАГА — ДОКТОРЛИК УНВОНИ

**Республикамизнинг дон мустақиллигига эришуви улкан ютуқларимиздан бири ҳисобланади. Бунда етиштирилаётган буғдой, арпа, сули, жўхорининг сорго нави ва бошқаларнинг сифатини яхшилаш орқали тайёрланадиган ун навларини жаҳон андозаларига яқинлаштириш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан бири этиб қўйилди. Мана шу соҳада дастлабки қадамни донни унга айлантирувчи корхоналарда (элеваторларда) кўп йиллар меҳнат қилиб тажриба орттирган ва ҳозирги вақтда Тошкент кимё технологияси институтининг Донни сақлаш, қайта ишлаш, кондитер ва макарон ишлаб чиқариш кафедрасининг доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган муҳандис П.Турсунхўжаев бошлаб берди. Яқинда олим ихтисослаштирилган илмий кенгаш мажлисида ўзининг «Ун ва ёрма саноатида юқори самарали технологик жараёнларни ишлаб, амалиётга татбиқ этиш» мавзусида илмий маъруза қилди.**

*Фан оламида*

Маълумки, республикамиз далаларида етиштиралаётган бошоқли экинлар донининг намлиги пастроқ бўлганлиги сабабли уларнинг унидан турли ҳил саноат маҳсулотлари тайёрлашда муайян қийинчиликлар туғилаётган эди. Бунинг учун ҳаракатдаги технологик жараёнларни такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган олим кўп йиллар Тошкент, Сирдарё, Хоразм ва бошқа вилоятлардаги корхоналарда изланишлар олиб бориб, ўз тажрибаларини кенг кўламда ўтказди. Натижада, бирмунча мураккаб кўринган илмий ва амалий муаммолар ҳал қилинди. Техника ва мураккаб жараёнларни такомиллаштириш, улардан фойдаланишнинг самарали йўлларини излаб топиш орқали ун ва ёрма маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг янги усуллари амалиётга киритилди. Маҳаллий буғдойларнинг турли навлари физик-кимёвий ва биокимёвий сифатлари тадқиқ қилиниб, уларни истеъмол корхоналар талабларига жавоб бера оладиган ҳамда тайёр маҳсулотларда ўз аксини топадиган даражага етказишга эришилди. Масалан, Сирдарё гуруч корхонасида арпа ёрмаси тайёрланадиган янги технологик схема ишлаб чиқилдики, қолган вилоятлардаги корхоналарда ҳам ана шу амалий таклифлардан фойдаланишга киришилди. Қатор корхоналарда шолидан қилинадиган иқтисод 5 фоизгача етказилди.

Дон тозалаш цехларида қуруқ дон намлигини ошириш ва уларнинг устки қобиқларида бўлган чанг ҳамда микробларни йўқотиш мақсадида «Олтин бошоқ — V» акционерлик жамоасида донни ювиб тозаловчи ва оқловчи машина амалиётга жорий қилинди. Бир йўла сорго-кўқон жўхорисидан ёрма ишлаб чиқариш технологияси схемаси ҳам тавсия этилди.

Гуруч корхоналарида вужудга келаётган иккиламчи хомашё чиқиндиларидан унумли фойдаланиб, Тошкент кимё-фармацевтика заводида фитин препарати ишлаб чиқариш учун зарур бўлган гуруч кепагидан олинадиган бир маҳсулот ҳажми 2 баравар оширилди.

Илмий тадқиқотнинг яна бир муҳим томони шундаки, унда чорва учун зарур озуқа маҳсулотларини консерва ва шароб тайёрлаш корхоналари чиқиндиларидан фойдаланган ҳолда олиш технологияси ҳам ишлаб чиқилди. Булардан омухта ем ишланганда ғалла иқтисод қилинади, чорва моллари семириши тезлашади ва сут маҳсулотлари сифати яхшиланади. Олим маҳаллий дон маҳсулотлари сифатини оширишда Фанлар академияси Микробиология институти илмий ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб танланган микроб штаммлари ва кимё технологияси институти «Қанд ва шароб маҳсулотлари технологияси» кафедраси профессори С.Абдураззоқова билан биргаликда яратилган катализатор сувидан фойдаланганлиги муҳим омиллардан бўлди.

П.Турсунхўжаев олиб борган илмий тадқиқотлари ва улардан амалиётда фойдаланиш натижасида республикамиз дон корхоналарида йилига 235 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ иқтисод қилиниши исботланди. Шунинг учун ҳам илмий маърузанинг назарий ва, айниқса, амалий аҳамиятини қадрлаган саноатчилар илмий тадқиқотга юқори баҳо бердилар. Мунозараларда қатнашган москвалик профессор, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан арбоби Г.А.Егоров, қозоғистонлик олим, техника фанлари доктори, профессор Ё.Спандиёров ва техника фанлари доктори, профессор Б.Қосимхўжаевлар ишга катта меҳнат сарфланганлиги ва фидойилик кўрсатилганлигини айтиб ўтишди. Олимлар илмий тадқиқотни бир овоздан фан доктори унвонига муносиб, деб тасдиқладилар.

**Қудрат АҲМЕРОВ,**
**профессор.**


"ДАРИТАЛ" Ўзбек-Италия қўшма корхонаси

Италия технологияси бўйича Европа сифат даражасидаги таркибий материаллардан

ЭРКАКЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЧАРМ ПОЙАБЗАЛИНИ

ишлаб чиқаради ва сотади.

Сотув - улгуржи ва чакана нархларда, бозордагидан арзон.



*Италия коллекциясининг 1999-2000 йиллардаги модели.*

Телефонлар:
**УРГАНЧДА (8-362) 223-39-91.**
Факслар: **229-21-78, 299-10-27.**
**ТОШКЕНТДА 45-39-67.**
Манзил: Тошкент ш., «Олмазор» кўчаси, 169-«А».
(собиқ газламалар дўкони).

2834



БИЗНИНГ ДЕРАЗАЛАРИМИЗДАН ДУНЁ ГЎЗАЛ КЎРИНАДИ.



Алюминийдан тайёрланган дераза ромлари ва витраж тизимлари:

- турли шакл, ўлчам, рангдаги дераза, эшик, витражлар тайёрлаш
- турли аркалар тайёрлаш
- чанг ва товуш ўтказмаслик
- ойналарнинг ҳаво ўтказмаслиги
- очиладиган ва суриладиган қурилма, жалюзилар ўрнатиш учун қулай
- ёнғиндан хавфсиз.

Якка буюртмалар қабул қиламиз.

Йил мобайнида сервис хизмати кўрсатиш.

ALQUR

Манзил: Тошкент ш., Бектемир тумани, «Оҳангарон» шоҳкўчаси, 2.
Тел.: (371) 185-67-78, 185-67-74, 130-79-90.
Факс: (371) 98-47-00.

Бизнинг дилерларимиз:
Андижон ш., Фитрат кўчаси, 214. Тел./факс: (37422) 25-25-94.
Навоий ш., "Феникс Ко" фирмаси, Тел.: (43622) 30761.

®/1907



Тадбиркорлар ва мулкчиликнинг барча шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларининг раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН ТОВАР ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ПАЛАТАСИ

«ТЕКШИРИШЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ КИТОБИ»НИ тарқатмоқда.

«Текширишларни рўйхатга олиш китоби» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2000 йил 6 апрел куни тасдиқлаган «Хўжалик юритувчи субъектларда текширишлар ўтказиш ва текширишларни рўйхатга олиш китобини юритиш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ киритилган.

«Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни қўллаш Сизни асоссиз текширувлардан ишончли ҳимоя қилади ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятингизга аралашувдан чеклаш воситасидир.



«Текширишларни рўйхатга олиш китоби»ни барча ҳудудий, шаҳар ва туман палаталаридан олиш мумкин.

Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси.

2902


Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги жамоаси Ўзбекистон Республикасининг Корея Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси В.В.Фенга отаси **Василий ФЕНнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Ўзулгуржибиржасавдо» республика акционерлик уюшмаси раҳбарияти ва жамоаси уюшманинг «Дилингтранс» компанияси очиқ акционерлик жамияти бош директори Баҳодир Таслимовга отаси **Карим ТАСЛИМОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат Архитектура ва Қурилиш қўмитаси жамоаси Қорақалпоғистон Республикаси бош архитектори Жалғасбай Бердихановга фарзандлари **Давлетбай БЕРДИХАНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34;
*Ҳуқуқ* — 136-07-94;
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Хатлар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар* — 132-12-08;
*Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик* — 132-11-15;
*Халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 376, 22228 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ж. САЪДУЛЛАЕВ.
Навбатчи — Б. ОСТОНАҚУЛОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00*
*топширилди — 22.15*
1 2 3 4 5 6